

Ўзбекистон касаба уюшмалари: Ўқув-амалий семинари ташкил этилди



Маълумки, юртимизда касаба уюшмалари эркин ва кенг кўламли фаолият юритиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Хусусан, кейинги йилларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия қўмитасининг жорий йил 25 апрелдаги қарори билан вилоятимиз ҳудудларида ўқув-амалий семинарлари ташкил этиб келинмоқда.

Термиз туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган ўқув-амалий семинарида ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII-Қурултойи қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилги иқтисодий дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг мақсад-мазмуни иштирокчиларга тушунтирилди.